

9-28-2018

The ideas of establishing fair society in the political views of oriental scholars and contemporary practices

F. Muhitdinova

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Public Law and Legal Theory Commons](#)

Recommended Citation

Muhitdinova, F. (2018) "The ideas of establishing fair society in the political views of oriental scholars and contemporary practices," *Review of law sciences*: Vol. 2 : Iss. 3 , Article 2.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss3/2

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



THE IDEAS OF ESTABLISHING FAIR SOCIETY IN THE POLITICAL VIEWS OF ORIENTAL SCHOLARS AND CONTEMPORARY PRACTICES

F.MUKHIDDINOVA^a

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ИДЕИ ПОСТРОЕНИЯ СПРАВЕДЛИВОГО ОБЩЕСТВА ВО ВЗГЛЯДАХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА И СОВРЕМЕННОСТЬ

Ф.МУХИТДИНОВА^a

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИДА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ ҒОЯЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТ

Ф.МУХИТДИНОВА^a

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мазкур мақолада Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синоларнинг илмий мероси, ва уларнинг қарашларида жамият, давлат ҳамда уларни бошқариш масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда жамият, давлат, қонун ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш ва кенг жамоатчиликка тарғиб этиши гоёлари ҳам ёритилган.

Таянч сўзлар: мутафаккир, жамият, давлат, қонун, адолат, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, давлат бошлиғи, давлатни бошқариш.

Аннотация: в статье рассмотрены материалы исследования, политико-правовые учения мыслителей Востока как Абу Наср Фараби, Абу Райхан Бируни, Абу Али Ибн Сина, в частности, выводы и предложения, имеющие значение в изучении истории политико-правовых учений Узбекистана, актуальные на сегодняшний день темы, относящиеся к государственному управлению и праву, а также актуальность и значения, выдающихся идеи ученых Востока в усовершенствовании основ построения правового государства и формирования демократического общества

Ключевые слова: общество, государство, государственность, добродетельный город, власть, закон, фикх, калям, просвещение, справедливость, политико-правовые учения, государственное управление, глава государства.

Abstract: the article considers the materials of the study of political and legal teachings of such Eastern thinkers as Abu Nasr Farabi, Abu Raykhan Biruni, Abu Ali Ibn Sina, particularly the inferences and offers essential in studying a history of political and legal theory of Uzbekistan, the issues of today concerning the public administration and the right. Also actuality and values of ideas of scientists of the East in improving the bases of constituting the constitutional state and formation of democratic society.

Key words: society, state, statehood, virtuous city, power, law, fikh, kalam, education, justice, political and legal theory, public administration, head of state.

Хозирги пайтда мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Эндиликда давлатчилик соҳасида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришда ҳуқуқий кадрларимизни ўрганишга бўлган эҳтиёж янада ортмоқда. Зеро, Ўзбекистон давлати ўз давлатчилик тарихи ва бой ҳуқуқий меросга эга бўлиб, бундай сиёсий-ҳуқуқий меросдан унумли фойдаланиш жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, келажаги буюк давлат қуришда бебаҳо манба ҳисобланади.

IX–XII асрларда Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда рўй берган уйғониш ўзининг мазмун-моҳияти, жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига кўрсатган ижобий таъсирга кўра умуминсоний, умумбашарий аҳамиятга молик. Бу борада академик М.М.Хайруллаев шундай ёзади: “IX–XII асрларга келиб илмий-маданий юксалиш Бағдоддан Мовароуннахр, Хуросон ерларига кўчди, бу давр турли илм, адабиёт соҳасида буюк сиймоларни етиштирди. Бу маданий тўлқин Мовароуннахрни бутун ислом дунёсида илмий-маданий марказ сифатида ном қозонишга олиб келди. Бу даврни Маказий Осиё Уйғониш даври – ренессанси деб, аниқроғи, бу ренессансинг илк даври деб атамоқ мумкин. Бу давр маданият ютуқлари Ғарбий Европа мамлакатлари маданияти ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. У ердаги XV–XVI аср ренессанси маданий юксалишида муҳим омиллардан бири бўлди” [2]. Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий меросининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу таълимотларда бундан минг йиллар бурун бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири, яъни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни жамиятда юксалтириш масалалари ўз ифодасини топган. Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларинингилмий мероси, умуман ўрта аср шарқининг маданий-маънавий ҳаётидан, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларидан жуда бой маълумот беради. Мутафаккирлар илмий меросига бўлган қизиқиш улар яшаб, ижод этган даврданоқ бошланган. Зеро, ушбу масалалар минг йиллар ўтган бўлсада, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган.

Шунингдек, ушбу даврда қонунлар, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият ҳақида гапирар эканмиз, бу борада Форобий бутун бошли бир тизимни яратганини гувоҳи бўламиз. Форобийнинг фикрига кўра, айнан ана шу тизимсиз фозил шаҳарни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбия замирида ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ва маънавий муваффақиятнинг асослари ётади. Форобий қонуннинг устуворлиги ижтимоий юксалишнинг асоси деб ҳисоблаган. Бу эса мукамал, юксак маънавий талабларга жавоб берадиган, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқарадиган механизм сифатида юзага чиқиши лозим. Қонун орқали бошқарув, бошқариш объектига одатда салбий таъсир ўтказувчи субъектив омилнинг таъсир даражасини пасайтиради. Қонунга қатъий риоя қилиш ҳам ҳукмдорларнинг, ҳам халқнинг “аҳмоқона қилмишлари”нинг олдини олади ва фозилликка етаклайди. Қонунларнинг самарали бўлиши учун зарур билимлар, белгиланган қонун-қоидаларни ишга туширувчи механизмлар, таълим-тарбия тизими ва мувофиқ методология бўлмоғи лозим.

Форобий учун шаҳар (давлат) бу бир бутун тизим бўлиб, унинг фаолияти қонун-қоидаларнинг белгиланиши, халқ ва ҳукмдорлар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш усули билан амалга оширилади. Бу нарса идеал бир давлатни оддий қилиб тасвирлашдан кўра чуқурроқ маънони англатади. Бу кўпроқ ижтимоий тартибга солувчиларнинг ҳамма турларига ва шаклларига маъқул келувчи тамойилларни ифодалашга уринишдир. У гўёки қандайдир асосий мағизни қидирадики, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш динамикаси ушбу мағизга боғлиқдир.

Форобий таснифида ижтимоий фанларнинг таркибий қисмини ҳуқуқшунослик ва калом илми ташкил этади. X асрда ислом ҳуқуқи тарихи, мусулмон олимларининг фикрича, ўзининг энг муҳим “чегара устуни”ни ўрнатди [3], деган фикрни инкор этган А.Меънинг фикрига кўра, ушбу даврнинг асосий жиҳати исломгача бўлган ҳуқуқий тушунчаларнинг киритилиши, қадим юнон-рим таълимотларининг тикланиши бўлиб, ушбу таълимотларни, ҳуқуқшунослар (фақиҳлар) илгари сурганлар [3].

Абу Наср Форобийнинг “Илмлар таснифи” асарида ёзилишича, фикҳ шундай фанки, у туфайли инсон бирон-бир халққа берилган бирон диннинг илоҳий ҳуқуқида етарлича аниқ белгиланмаган ҳар қандай нарсага баҳо бера олади ва уни тўғрилай олади [4]. Фикҳни Абу Наср Форобий икки қисмга бўлади: *биринчидан*, барча масалалар бўйича ҳуқуқ ижодкорлиги эркинлигини тан оладиган ва асослайдиган фикҳ; *иккинчидан*, ислом динининг асосчиси тасдиқлаган қарашлар ва хатти-ҳаракатларга риоя қиладиган ва уларни ҳуқуқ ижодкорлигининг

асоси деб қабул қиладиган калом. Унинг фикрича, ушбу қисмларнинг иккаласи биргаликда ислом ҳуқуқини ташкил этади [4].

Чунончи, Форобий қонунларни икки турга ажратган: бири табиий қонунлар, яъни “ўз ихтиёри билан билан амал қиладиган қонунлар, иккинчиси давлат қонунлари, яъни жамият тараққиётини кўзлаб, турли шартлар асосида, мажбурий татбиқ этилган қонунлар” [4]. Табиий қонунлар, тинчлик, роҳат-фароғат, бойлик, билим кабиларга интилиш, аҳолига мансуб диний ва дунёвий урф-одатлар, эзгу хислатлардан келиб чиқадиган эзгу муносабатларга асосланиши лозим. Давлат томонидан қабул қилинган қонунлар эса турли-туман феъл-атвордаги, турли-туман хислатли одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишига арзийдиган бўлиши керак. Негаки идрокли ва тажрибали одамни бўйсундирувчи қонунни жорий этиш, оломон ва тажрибасиз одамларни олимга тенглаштириб, бўйсундирувчи қонунни жорий этишдан кўра маъқулроқ ва афзалроқдир [5]; янги қабул қилинаётган қонун мамлакатдаги барча табақалар ва авлодларга, барча вилоятларнинг аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик келтиришни, барча хислатлардан фарқ қилувчи туғма хислатларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим [5].

Форобийнинг қонунларнинг табиати ва вазифаларига нисбатан қарашларини кузатсак, мутафаккир мустаҳкам ва барқарор “тартиб” тарафдори экани яққол кўринади. Айнан шундай тартибгина фаровонликка эришиш имкониятини беради. Форобийнинг фикрича, қонун ушбу тартибни ўрнатиш воситаси сифатида ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлмоғи, руҳий жиҳатдан қабул қилишга лойик, обрўли, оддий одамлар (бўйсунувчилар) учун тушунарли, мазмунли, мантқиқли, адолатли ҳамда энг муҳими ижро этилиши мумкин ва мажбурий бўлмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, қонун ёрдамида тартибга эришишда қонун ҳокимиятининг обрўсидан ташқари унинг устуворлиги ҳам шарт. Қонун ўрнатувчининг фаолиятини баҳолаш мезони сифатида зарур бўлган универсал хусусиятларни чиқаришга уруниш тарзида қабул қилиш мумкин бўлган унинг сифатлари таърифи ҳам қизиқиш уйғотади. Бир санъат эгалари учун лаззатбахш (наrsa) бўлган бошқа санъат эгалари учун лаззат бермайди [5] дея барча мезонлар ҳам ижтимоий муносабатларнинг турли тармоқларига татбиқ этилиши мумкин эмаслигини таъкидлар экан, Форобий бу мезонларни “тўғри”, “гўзал” ва “адолатли” деб атади. Форобий қонун ўрнатувчилар мукамал эгаллашлари шарт бўлган абстракт тафаккур тизими ҳақида гапираётгани, шубҳасиз. Ўзининг мулоҳазалари билан Форобий қонунчиликка ана шундай ёндашувда ўрнатгандек бўлади ва қонунларни фақат абстракт тафаккурли кишилар яратиши мумкин деб яна бир бор таъкидлар экан, таҳлил қилинаётган муаммонинг жиҳатларини чуқурлаштирмайди. Форобий учун қонун чиқарувчи тадқиқотчи ва сиёсатчи бўлиши керак. Акс ҳолда қонунни шакллантириш ва амалга ошириш жуда қийин. Шу билан бирга, Форобий қонунларнинг доимий эмаслиги ва ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг ўзгариши сабабли ўзгариши мумкинлигига эътибор қаратади. Бу Форобийнинг ўша даврдаги ҳуқуқ ҳақидаги ҳукмрон таълимотга қарши илғор фикр соҳиби эканлигини кўрсатади.

Ушбу муаммолар хусусида Абу Райҳон Берунийнинг ҳам ўзига хос бўлган ҳуқуқий қарашлари мавжуд бўлиб, жумладан, мутафаккир ҳукмдорлар ўз давлатини идора қилиш сиёсатида адолатли қонунлардан тўғри фойдаланмасдан, уни бузиш орқали халққа хиёнаткорлик қилишлари оқибатида бундай сиёсат давлатнинг вайрон бўлишига ва тартибсизликка сабаб бўлишини ёзади.

Берунийнинг ҳуқуқий қарашларида адолатлилик, оила, никоҳ муносабатлари, жиноят ва уларга белгиланган жазолар алоҳида ўрин тутаяди. Унинг оила ва никоҳ хусусидаги фикрига кўра халқлардан ҳеч бири никоҳдан холи эмасдир. ҳар миллатнинг никоҳга оид ўзига хос расми ва одати бор.

Беруний юнон ва ҳиндлардаги инсон ҳаёти ва унинг турли кўринишлари тўғрисида фикр юритар экан, у дунёдаги барча тубанлик, ёмонлик, бахиллик, ўзаро душманликни қоралаган. Ушбу иллатларнинг мудҳиш бахтсизликларга сабаб бўлишини таъкидлаган ҳамда одамларни ушбу иллатлардан ҳазар қилишга чақирган. Барчаинсон зоти учун энг ёмон бахтсизликларнинг қандай қилиб юзага келишини кўрсатиб, олим кишиларни хайр ва эзгулик сари ундаган. У ана шу фаолиятини қуруқ чақириқлар билан эмас, ғоят таъсирли илмий таҳлил билан икки буюк маданият – юнон ва ҳинд маданиятларида мавжуд бўлган, омма орасида кенг ёйилган эътиқодларнинг илмий тадқиқи орқали амалга оширади [8].

Ушбу давр мутафаккирлари томонидан кўтарилган ҳуқуқий ғоялар Ибн Сино қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Ибн Сино инсоннинг амалий ҳаракати билан боғлиқ бўлган илмларни таҳлил этиб, ахлоқшунослик назариясига асос солган десак бўлади. Жамиятни, халқни, мамлакатни идора қилишни, уйни бошқаришни, оила муносабатларини тартибга солиш,

кишиларнинг ўз-ўзига қандай муносабатда бўлишлари ҳақидаги амалий билимларини Ибн Сино маънавий, одоб-ахлоқ ҳақидаги билим деб қараган.

Ибн Синонинг фикрига кўра, “Қонунларни халққа етказиш лозим. Уларни ижро этиш учун эса, аввало, халқ бу қонунларга ишониши керак. Бу учун эса йиллар давомида халққа сингиб кетган одат ва анъаналар қонунда ифодаланган бўлиши даркор. Ҳукмдор ана шу қонунлар орқали жамиятда адолат ўрнатилишига қаттиқ ишонмоғи лозим. Чунки бу қонунлар ундан кейин ҳам жамият аъзоларига хизмат қилиши керак. Ҳукмдордан кейин унинг ишини давом эттирувчи ўринбосари бўлиб, ўринбосар ҳам ўзидан олдин амалда бўлган қонунларни яхши билиши ва уларга амал қилиши жамият аъзоларига ўрнатилган бўлади [7].

Агар юқоридагиларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак: биринчидан, Форобий, Беруний, Ибн Синонинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари Шарқ Уйғониш даврида кечган. Марказий Осиёда илм ва фаннинг турли соҳалари қаторида Хоразм Маъмун Академиясида фаолият юритган даврга тўғри келган. Ана шу илмий муҳитда Форобий, Беруний, Ибн Синонинг ижодий фаолияти шаклланиган. Улар дунёвий илмлар ҳамда фикр ва калом илми соҳаларида етакчи ўринни эгаллашган қомусий олимлардир. Мутафаккирлар томонидан яратилган асарлар турли даврларда қўллаб қўлланадиган нусхалари кўчирилган ва дунёнинг турли мамлакатларига тарқалган. Форобий, Беруний, Ибн Сино илмий меросига оид 200 дан ортиқ қўлёзма асарлар жаҳон фондларида сақланмоқда. Бугун юртимизда илм-фанга катта эътибор берилётган бир даврда бу қўлёзмаларни яна илмий муомалага киритиш, ўрганиш, таҳлил этиш, амалда қўллаш олимларимиз олдида турган вазифалардан биридир.

Иккинчидан, Шарқ мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий меросида гарчи ҳуқуқ ёки юриспруденция атамаси тўғридан-тўғри ишлатилмаган бўлсада, ҳуқуқ тушунчаси “ахлоқ” тушунчаси асосида кенг ёритилган. Ушбу сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда ёзилишича, айнан ахлоқий фазилатлар кишиларга сингириб борилиши лозим, давлат бошлиқлари, ҳукмдорлар, олим-фузалолар, оддий фуқаролар ҳаётининг мазмунини яхшиликка қаратилган бўлиб, яхшиликка фақат ахлоқий етук киши эриша олиши қайд этилади. Жумладан, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари, Абу Али Ибн Синонинг “Ахлоқ ҳақидаги” китоби, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” каби асарларини умумий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ахлоқ сиёсий тизимда, ижтимоий ҳаётда инсоннинг энг гўзал хулқи, одоби, муомала даражасини белгилаган.

Бизнинг фикримизча, ахлоқнинг ушбу тамойиллари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган: Масалан:

- инсон ахлоқий ва маънавий жиҳатдан тарбия топган бўлиши керак;
- инсон инсонпарвар, адолатли, тўғрисиўз, содиқ, камтар, бағрикенг, меҳрибон, ҳақиқатпарвар, саҳий, ақлли, кенг дунёқарашли, ўзини ирода қила оладиган, ўз ишини ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қила оладиган, узоқни кўра оладиган, жасур, мард, қатъиятли, хайрли, зехни ўткир ва нотик бўлиши лозим;
- ахлоқни фақат зарурият учун қўлламастик лозим;
- ахлоқ – олий суд ёки ҳакам бўлмаслиги зарур, ахлоқ жамиятда барча нарсаларнинг воситаси, ё қуроли ёки кишилардаги ахлоқ имтиёз сифатида шаклланмаслиги лозимки, токи кишилар ахлоқ ниқоби билан жамиятда сохта обрў ва эътиборга эга бўлиш учун ҳаракат қилишмасин;
- ахлоқ кишилардаги ижтимоий кечинмаларнинг сохта қуролига айланмаслиги лозим;
- инсоннинг ўзига қайтиши, ҳар зумда ўз қилган ишларини таҳлил этиши;
- замон ўзгарсада, ахлоқий фазилатлар юксалиб бориши лозим;
- ҳар қайси даврда, ҳар қайси давлатда, ҳар қайси халқда жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ахлоқий фазилатларнинг ўзаро ҳамоҳанглиги (саҳийлик, муҳаббат, тартиб-интизом, адолат ва ҳ.) сақланиб қолиши лозим;
- жамият – ахлоқий тушунчаларни индивидларнинг юриш-туриш қоидалари асоси сифатида қараши ва ахлоқнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрнини кўрсата билиши лозим;
- жамиятда тартиб ўрнатишда, инсон манафаати ва фаолиятида ахлоқнинг роли ва аҳамиятини тушунтириб бориш лозим;
- ҳукмдорларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ахлоқий жиҳатларини аниқ мисоллар билан мутлақ ахлоқ тушунчаларини қиёсий таҳлил этмоқ керак;
- инсон ва жамият муносабатларида ахлоқнинг, инсон ва давлат муносабатларида ҳуқуқнинг, инсон ва ҳокимият муносабатларида қонуннинг, инсон ва судлов муносабатларида адолатнинг устунлигини англамоқ зарур.

Ушбу ғоялар Шарқ мутафаккирларининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида доим долзарб масалалардан бири сифатида қайд этилган. Жумладан, ушбу масала хусусида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Давоний, Кошифий каби олимлар ҳам ўз асарларида фикр мулоҳазаларини билдиришган. Масалан, Форобий ўз таълимотида давлат (шаҳар уюшмаси)нинг фаолиятини таҳлил қилар экан, тўғридан-тўғри уларнинг “вазифаси”, “функцияси” атамаларини ишлатмайди. Бироқ айнан шу нуқтаи назардан давлат аҳолисининг ўз эҳтиёжларини (табiiй, ижтимоий, маънавий ва ҳоказо эҳтиёжларини) қондириш борасида жамиятлардаги мавжуд ижтимоий тартиб-қоидалардан келиб чиқиб ҳамда ҳукмрон ғоялар (шу жумладан, маънавий-ахлоқий меъёрлар) таъсири остида юритган фаолиятларини таҳлил қилади.

Форобий мукаммал жамият ва давлат амал қилишига ижтимоий адолат тантанаси сифатида қарайди. Зеро, бундай давлат ўз фуқароларининг бахт-саодатга эришуви йўлида бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширадики, уларнинг натижаларини баҳолашнинг асосий мезони адолатдир. Шу жиҳатдан қараганда, Форобий қарашларида донишмандлик (ҳикма) ҳамда милля ва шариат (қонун, шариат маъносида) асосидаги ҳаракатлар бахтга олиб боради; бахтга олиб борувчи қарашлар, ҳаракатлар (ахлоқ), одатга айланган ҳаракат (сияр); бошқариш эса сияса деган маъноларни англатади. Бошқарув эса икки, яъни “тамкин” – қўллаш ҳамда тўғри бошқарувни сақлаш, асраш – “ҳифз” маънода ишлатилади.

Шундай қилиб, Форобий фозил давлатга хос бўлган асосий вазифаларни ҳам аниқлаб берар экан, уларнинг мазмун-моҳияти фозил жамиятнинг инсонпарварлик табиатидан келиб чиқишини алоҳида уқтириб ўтади. Қисқаси, Форобийнинг фозил жамият ва давлат (шаҳар) ҳақидаги таълимоти ўз даврининг илғор назарияси ҳисобланади.

Фозил давлатнинг мақсади ҳамма учун бахт ва адолатни ўрнатишдан иборат. Фозил давлатнинг ўзига хос белгилари шундаки, унда моддий нарсалар адолат юзасидан тақсимланади, таълим ва тарбия ишларига катта эътибор берилади. Форобий фикрича, етук курашувчи, ёлғоннинг ашаддий душмани, бойликка жирканч билан қаровчи, табиатан адолатни яхши кўрувчи ва унинг учун курашувчи ҳамда қатъий бўлиши зарур [6]. Шундай фазилатларга эга бўлган шахсгина идеал шаҳарнинг бошлиғи, раҳбари бўла олиш мумкин.

Форобий фозил давлат бошлиқларига қуйидаги ўн икки талабни қўяди: 1) етук, кучга тўлган баҳодир, соғлом бўлиши; 2) бошқаларни тушунадиган ва бошқариш қобилиятига эга бўлиши; 3) эса сақлаб қолиш қобилияти ўткир бўлиши; 4) ўта ақлли ва доно бўлиши; 5) нотиклик қобилиятига эга бўлиши; 6) илм-маърифатли бўлиши; 7) овқат еганда, ичимлик ичганда эҳтиёткор бўлиши; 8) тўғрисиўз ва ҳақиқатпарвар бўлиши; 9) кадр-қимматни ҳурматлаш, ғурурлик; 10) ҳаётнинг пасткаш иллатларига, бойликка ўч бўлмаслиги; 11) адолатпарвар, ўзига бўйсунган аҳолига оқилона, одил ҳукмрон бўлиш, адолат юзасидан иш кўра билиши; 12) ўзи бошлаган ишни қатъий бажара билиши, кўрқувдан йироқда бўлиши, ҳар бир ишга мардларча қайишмоғи керак.

Форобийнинг фикрича, ҳақиқий бахтга эришиш учун зарур бўлган ишларда ўзаро мақсадни, яъни ўзаро ёрдамни мақсад қилиб олганлар бирлашмаси мавжуд бўлган шаҳар (давлат) фазилатли, идеал шаҳар (давлат)дир. Бахтга эришиш учун инсонлар бир-бирларига ёрдам берувчи жамоа, фазилатли, идеал жамоадир.

Абу Наср Форобийнинг сиёсий қарашларини кейинчалик янада ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлардан бири XV асрда яшаб ижод қилган Жалолиддин Давонийдир. Масалан, Абу Наср Форобий Шарқ Уйғониш даврида ўз замонасидан илгарилаб кетган ўз хаёлий орзусидаги фозил давлат барпо этиш тўғрисидаги қарашларини илгари сурган бўлса, ундан 6 аср кейин Давоний ҳам ўзининг фозил, адолатли давлат тўғрисидаги таълимотини яратган. Жумладан, XV асрда Шарқда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Жалолиддин Давонийдир. Жалолиддин Муҳаммад Ибн Асад ас-Сиддикий ал-Давоний Эроннинг Казарун вилоятидаги Давон қишлоғида 1427 йилда дунёга келган. Жалолиддин Давоний бошланғич маълумотни қишлоғида олгач, Шероздаги мадрасасида таҳсил олган. Мадрасада у мусулмон қонуншунослиги (фикҳ) илми билан қизиққан ва ушбу соҳани яхши ўзлаштиргани боис Эрон ҳукмдори Султон Ёқуб Оқ қўйинли томонидан Шероз шаҳрига қози этиб тайинланган. У мадрасада ҳам мударрислик, ҳам қозилик вазифалари билан шуғуллана бошлайди. Давоний фақат ўз юртида эмас, балки ўзга мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонади. Давоний умрининг охириги йилларини ўз қишлоғида ўтказган. Олим 1502 йилда вафот этган. У Казарун яқинидаги қишлоғи Давонга дафн этилган.

Давоний ўз даврининг илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшган қомусий олим бўлиб, унга Самарқанд, Ҳирот шаҳарларидаги илмий муҳит ёрдам берган. Чунки илм-фан XIV-XV асрларда шу шаҳарларда кўпроқ тараққий этган. Давонийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари унинг

“Ахлоқи Жалолий” асарида ўз ифодасини топган. Жумладан, асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда ахлоқ ҳақидаги қарашлар, иккинчи қисмда оилани бошқариш ҳақидаги қарашлар ва учинчи қисмда шаҳар (давлат)ни бошқариш ва подшоҳлар сиёсати тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар қайд этилган. Эътиборли томони шундаки, Давоний ушбу “Ахлоқи Жалолий” асарида жамиятни адолатли – фозил шаҳарга ва жоҳил шаҳарларга бўлади. Форобий каби Давоний ҳам фозил шаҳар бошқарувчисидан ўнта энг яхши фазилат мужассамланган бўлиши керак дейди. Булардан биринчиси ҳукмдор одамларни эъзозлаши; иккинчиси давлат ишларини адолатли ижро этиши; учинчиси ҳирс ва шаҳватга берилмаслиги; тўртинчиси ҳукмдорликда шошма-шошарлик ва ғазабга йўл қўймаслиги, балки шафқат ва мурувватга асосланиши; бешинчиси халқнинг эҳтиёжини қондириш учун Худонинг иродасидан келиб чиқиши; олтинчидан халқ эҳтиёжини қондиришга оид ишларни бажаришга ҳаракат қилиши; еттинчиси халққа нисбатан одил бўлиши; саккизинчи ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кенгашиб ҳал этиши; тўққизинчиси ҳар бир кишини унинг қобилиятига монанд лавозимга тайинлаши, қобилиятсиз кишиларга юқори лавозим бермасликни; ўнинчиси адолатли фармонлар чиқариши, қонунни бузишга йўл қўймаслик қабилардир. Давонийнинг фикрига кўра, жамиятнинг пайдо бўлиши, давлат ва уни бошқариш масалалари, адолатли ҳукмдор масаласи жамиятдаги ақлий ва ахлоқий тарбияга боғлиқ бўлади. Шунингдек, давлат ва уни бошқаришда, халқнинг фаровон ҳаёт кечиришида ҳукмдорларнинг ўрни, илм-фанининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Давоний олимларнинг жамиятда, давлатни бошқаришда тутган ўрнига катта аҳамият беради, унинг фикрига кўра ҳақиқий олим давлат ишларида фаол қатнашиши, жамиятга фойда келтирадиган мураккаб муаммоларни ечишда иштирок этиши керак. Олимлар жамиятда фан билан шуғулланар эканлар, улар ўз ютуқларини жамият тараққиёти хизмат қилиши учун ҳаракат қилмоқлари лозим. Чунки оддий халқ ҳукмдорларга ва олимларга қараб таклид қилади, шунинг учун ҳам олимлар халқ орасида адолат ҳамда ахлоқ қоидаларини тарғиб этишлари керак. Уларнинг фикр ва мулоҳазаларидан давлат бошқарувида фойдаланиш керак деб уқтиради. Давоний давлат бошқарувида ҳукмдорларнинг маърифатли бўлишини истайди. Ана шундай подшоҳлар ўз атрофига билимдон кишиларни тўплайди ва уларга етарли шарт-шароит яратиб беради деб ўйлайди. Юқоридаги фикрларга асосланиб, Давоний инсоний фазилатларга эга бўлишда таълим-тарбиянинг ўрнига катта аҳамият берганлигининг гувоҳи бўламиз. Шарқ мутафаккирларидан Форобий адолат тушунчасига алоҳида фазилат сифатида қараганидек, Давоний қарашларида ҳам адолат тушунчаси асосий ўринни эгаллайди. Олим адолат ҳақида тўхталиб, адолатли кишилар ўртасидаги ҳақиқий дўстликни инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат билан боғлиқ ҳолда тасаввур этади.

Давоний ҳам Форобий каби шаҳарларни фозил ва одил шаҳарларга бўлади.

Фозил шаҳарларни одил подшоҳ оидора қилса ва ўз ҳукмларида адолат тариоя қилса ва тамагирликни ақл билан андафэтса, жоҳил шаҳар бошлиғи ўз манфаатини кўзлабиш юритади ва боёйлик қаҳирсқўйиб, халқ фикри билан ҳисоблашмайди дейди. Унинг таъкидлашича, давлатни идора этувчи адолатсиз бўлса, унинг қўл остидагилар ҳам тамагирлик, ёлғончилик ва бошқа хатти-ҳаракатлар қиладилар, яъни подшоҳ ишини фуқаролар ҳам такрорлайди. Хуллас, фуқароларнинг ярамас хулқ-одоблари учун ҳам ҳукмдор айбдор саналади дейди. Агар ҳукмдор адолатли бўлса, бошқалар ҳам адолатли бўлишга ҳаракат қилади дейди.

Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари ижтимоий турмуш камчиликлари ва иллатларини танқид қилишган бўлишсада, уни тубдан қайта қуришни асло талаб қилишмаган, балки уни такомиллаштириш тарафдори бўлишган. Шу жиҳатдан мутафаккирларнинг сиёсий-ҳуқуқий мероси кейинги даврларда ҳам ривожлантирилган ва такомиллашган. Жумладан, Абулқосим Фирдавсийнинг ижтимоий, сиёсий қарашларига кўра, “Ёвузлик ҳукмрон бўлган саройнинг қонуни шундай: ё сен эгарда ўтирасан, ё сенга эгар ўрнатурлар”. “Эй ҳукмдор, идрокли, сахий адолатли бўл. Элнинг бахти ҳукмдорнинг бахтидир. Эй ҳукмдор, ёлғонни тож-тахтга яқинлаштирма. Доимо ҳақиқат йўлини тут. Эй ҳукмдор, эзгу ишлар учун маблағни аяма. Юрагинга бир лаҳза ҳам кўрқувни йўлатма. Акс ҳолда кўшни шоҳ дадилланиб бош кўтаргай. Бу серкулфат ҳаётда доно ва бардам бўл. Юз берган ҳар бир ҳодисага муносиб баҳо бера ол. Яна шуни билгилки, ким осмон қадар бағри кенг бўлса, ўша султонликка лойиқдир. Нодон маслаҳатчилардан сақлан. Тубан кишиларнинг сўзларига кулоқ осма: уларнинг юрагида ҳасад мужассам. Сиригни ҳатто энг яқин одамнингга ҳам айтма, акс ҳолда кулфатнинг кети кўринмай қолур. Ўзини ҳаммадан устун кўювчиларни машваратга яқинлаштирма”.

Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ёзилган асар “Қутадғу билиг”, яъни “қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим” демақдир. Ушбу асар XI аср туркий халқларининг ноёб ёзма ёдгорлиги бўлиб, асарда илм, маърифат, одоб-ахлоқ, давлатни бошқариш йўл-йўриқлари, миллий-

маънавий қарашлар кенг қамровда аксини топган. “Қутадғу билиг”да Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси – ҳазрати инсоннинг ижтимоий моҳияти, хислат ва фазилатлари, кадр - қиммати, одоб-ахлоқи, маданияти, маърифати, барча мавжудотлар ичра буюк ва бебаҳолиги фалсафий таҳлил этилган. “Одамзод насли аслида ер юзидаги барча жонлилар орасида энг улуғдир, аммо бу улуғлик билим билангина тўлиқлик, мукамаллик касб этади”.

“Қутадғу билиг”да уқтирилишича, давлат бошлиғини улуғлайдиган, эл-юртда мартабасини оширадиган асосий нарса билим, ақл-идрок ва заковатдир. Билимли, оқилу доно, тадбиркор, адолатли, эзгу ниятли кишилар бекликка муносибдир дейилади. Асарда муаллиф беклар, ҳукмдорларни адолат шамчироғини иккала кўлларида баланд кўтариб юришга, илм ва заковатни асос қилиб олган ҳолда давлатни идора қилишга, элни бошқаришга ундайди.

“Қутадғу билиг”да мамлакат бошлиғи бўлиш учун кишининг таг-туби,асл насли тоза, андишали, покиза хулқли, ақл-идроқи кучли бўлиши, ғафлатда қолмаслиги, ёлғон гапирмаслиги шарт, деган йўл-йўриқлар берилган. Муаллифнинг таъкидлашича, Эл учун икки нарса мустаҳкам таянчдир: бири хушёрлик, иккинчиси адолат. Иккаласи адолат илдизидир.

Ёки Кошифийнинг 1500-1501 йиллари ёзиб, Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абдулмуҳсин Мирзога бағишланган “Ахлоқи Муҳсиний” асари қирқ бобдан иборат бўлиб, сиёсат, ҳуқуқ, ҳуқуққа риоя қилиш ғоялари қайд этилган. Кошифий инсоннинг энг юксак хулқ-атвор эгаси бўлиши учун ўн қоидага амал қилиши зарурлигини илгари суради: элга тесқари иш қилмаслик; ўз нафсига инсоф қилиш; киши айбини очмаслик; кишиларда учрайдиган ёмон хулқ-одатни яхшиликка томон буриш; ўз айбига иқроқ бўлиб, узр сўраган кишининг узрини қабул қилиш; оч-юпунларнинг ҳожатини чиқариш; инсон учун машаққат тортиш; халқлар ўртасида дўстликни тарғиб қилиш; касб-хунар, илм-маърифатни эгаллашга чақиради. Илмли кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини таъкидлаб, олимларни, умуман, илм аҳлини эъзозлаш кераклигини қайд этади.

Шунингдек, Кошифий фикрича, подшонинг вазифаси адолат қонунга мувофиқ ҳукмдорлик қилиш, у ҳар бир табақа фазилатларидан келиб чиқиб баҳолаш, бирларининг бошқалар устидан ҳукм юритишларига йўл қўймасликдан иборат. Жомий ҳам подшоҳларининг донолиги подшоҳликнинг камолоти ва савлатида эмас, балки адолатликлари ҳамда одилликларида намоён бўлишини айтган эди [12]. Навоий фикрича, подшо марҳаматли, баъзан эса қадрли бўлиши, дўстни душмандан ажратиш учун у тажрибали ҳамда фаросатли бўлиши керак [13] деган фикр илгари сурилган. Қувонарли томони шундаки, бугун ушбу ғоялар амалда ўз ифоласини топмоқда. Айнан мазкур масалалар давлатимиз бошқарувининг асосий вазифасига айланган. Масалан, 2017 йилнинг 27 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинганди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, ҳукумат аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг самарали ва натижали ишини таъминлаш, уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси қайта шакллантирилиб, янги комплекслар ва вазирлик ташкил этилди.

Қарорга биноан Вазирлар Маҳкамаси тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси раҳбарлари лавозимлари киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди.

Ушбу муҳим ўзгаришларнинг сабаблари ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз қуйидаги фикрларга алоҳида урғу берди.

Биринчидан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, мамлакат ҳудудларини ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалаларини ҳал этишнинг шакллари ва усулларини тубдан ўзгартириш зарур.

Иккинчидан, жорий йил мобайнида вилоятлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг турли қатламлари билан ўтказилган мулоқотлар натижалари бўйича ҳар бир ҳудуд, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини муаммоларини ҳал қилишга янада кенг эътибор қаратиш керак.

Учинчидан, ўз зиммасидаги вазифаларни бажариш, зарур натижага эришишни таъминламагани учун турли бўғиндаги раҳбарларни алмаштириш, замонавий билим ва малакага

эга бўлган, ватанга садоқатли, фидойи ёшларга масъулиятли лавозимларни ишониб топширишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масаласи биринчи навбатда илм-фан, юксак технологиялар, замонавий инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш билан узвий боғлиқ эканини таъкидлади. Ва айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги ташкил этилганига алоҳида тўхталиб ўтди.

“Бизнинг саховатли заминимиз ер ости ва ер усти бойликларига, инсон ресурсларига, билимга ва юқори малакали кадрларга бой. Лекин, афсуски, биз мана шундай улкан салоҳиятимиздан унумли ва самарали фойдалана олмаёпмиз” деб таъкидлаганди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев. Дарҳақиқат, Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масаласи адолатли жамиятнинг бош мақсадику. Демак, бир неча асрлар давомида халқимизнинг, буюк мутафаккирларимизнинг орзуси амалга ошаётганлиги мустақиллигимизнинг 27 йиллигига тухфадир.

Шу боис ҳам мазкур мақола мустақиллигимизнинг тарихий-сиёсий-маънавий асосларини таҳлил этишга қаратилди. Унинг аҳамияти ҳам, долзарблиги ҳам шундадир. Эътибор берсак, Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маърифий таълимотларининг ёки тадқиқотларда қайд этилганидек, фуқаролик тўғрисидаги фаннинг предмети асосан давлатшунослик, этика ва таълим-тарбияга (педагогикага) оид долзарб муаммоларни ўз ичига олади. Айниқса, таълим-тарбия муаммолари давлатни сиёсий жиҳатдан ташкил қилиш вазифаларига бўйсундирилган бўлиб, педагогик воситалар том маънодаги бахт-саодатга эришувнинг, инчунун, ҳуқуқий қонун устуворлигининг, қолаверса, ҳуқуқий маданиятнинг муҳим омили сифатида эътироф қилинади. Қайд этиладики, давлатшунослик, этика ва таълим-тарбия ҳақидаги таълимотлар бошқарув санъатининг асосини ташкил қилиб, ягона мақсадга – инсонларни фаровонлик ва бахтга элтувчи йўлларни аниқлашга қаратилган бўлади. Айни вақтда бу таълимотларда ушбу олий вазифани адо этишнинг турли йўналишлари белгилаб берилди. Чунончи, Форобий фикрига кўра, этика индивиднинг ўзига хос маънавиятини, шунингдек одамлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг ижтимоий-маънавий меъёрларини ўрганса, сиёсий фалсафа эса сиёсий бирлашмалар, жамоалар, аниқроғи, давлатларнинг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишининг асосий тамойиллари ҳамда сиёсий-ҳуқуқий меъёрларини тадқиқ этади. Ушбу тизимларнинг фозиллигини таъминловчи олийжаноб хулқ-атворли аҳолини тарбиялаш муаммолари эса педагогика (таълим-тарбия) илмининг изланишлари доирасига киритилади.

Шунингдек, Шарқ мутафаккирлари илмий-сиёсий меросида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги масалалар алоҳида аҳамият касб этган. Форобий, Беруний ва Ибн Сино дунёвий илмлар ҳамда фикр ва калом илми соҳаларида етакчи ўринни эгаллаган қомусий олимлардир. Мутафаккирлар томонидан яратилган асарларининг турли даврларда кўплаб қўлёзма нусхалари кўчирилган ва дунёнинг турли мамлакатларига тарқалган. Форобий, Беруний, Ибн Сино илмий меросига оид 200 дан ортиқ қўлёзма асарлар жаҳон фондларида сақланмоқда Шу сабабли ушбу асарлар Мовароуннаҳрда яратилган Шарқ давлатчилигига хос бўлган илғор ғояларни ифодалаган дастлабки таълимотлар бўлиб, кейинги кўплаб асарларга манба бўлиб хизмат қилган. Ҳар учала қомусий олимнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти негизини идеал давлат қуриш ва бошқариш масалалари ташкил этган, жумладан, Форобий фозил шаҳар-давлат қуриш ғоясини; Абу Райҳон Беруний адолатли давлат қуриш ғоясини; Ибн Сино маърифатли давлат қуриш ғоясини илгари сурган. Бугунги кунда мазкур ғоялар Ўзбекистон давлатчилигининг бош мақсади бўлиб, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши” амалда ўз ифодасини топмоқда. Шунингдек, “адолат қонун устуворлигида” олимларимиз илгари сурган ғоянинг ҳаётий ифодасидир.

Иккинчидан, Форобий, Беруний, Ибн Сино ўз даври учун илғор бўлган халқ манфаатини ҳимоя қиладиган давлат концепциясини ишлаб чиқишган ва унинг кейинги истиқболлари ҳақидаги тасаввурларини илгари суришган. Бугунги кунда “Ҳаракатлар стратегияси” амалий дастур бўлиб, бешта устувор йўналиши орқали мазкур ғояларни амалга оширишда хизмат қилмоқда десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, қомусий олимлар давлатчилик концепциясида фанларни иккига – назарий ва амалий фанга ажратган ҳолда, сиёсат ва ахлоқ ҳақидаги фанга алоҳида эътибор беришган. Бугунги кунда “Одоб-ахлоқ қоидалари”барча ташкилот, корхона, муассасаларда қўлланиши билан бирга “Республика маънавият ва маърифат маркази” жамиятда

ахлоқий фазилатларни, миллий кадриятларимизни кенг жамоатчиликка тарғиб этган ҳолда мазкур ғояларнинг умумбашарий эканлигини тасдиқламоқда.

Учинчидан, мазкур илгари сурилган фикр ва мулоҳазаларнинг долзарблиги яна шундаки, мутафаккирларнинг давлатчилик концепциясида давлат бошлиқлари ва раҳбар ходимларнинг ахлоқи, юриш-туриш қоидалари ҳақидаги талаблар асосий ўринни эгаллаганки, уни бугунги кунда “давлат хизматчисининг этикаси, ахлоқи ҳақидаги дастур” деса бўлади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда мазкур илмий меросга бўлган қизиқиш янада ортди. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев: “Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудук қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб” деб таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари иқтисодиётнинг барча соҳалари тараққиётида илм-фаннинг ўрни, аҳамияти ғоят катта экани, бу борада давлат биринчи галда Фанлар академияси ва олимларга суянишини, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бугун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида қайд этди.

Қувонарли томони шундаки, ўтган йилда яна бир ажойиб таклифни халқимиз ва ёшларимиз учун илгари сурилганди, менимча, бу бутун мусулмон оламининг тарихий илмий мактабларига янгича қараш даврини бошлаб берди десак, хато бўлмайди. Чунки ушбу таклифда ислом дини бўйича илмий мактаблар ташкил этиш ғояси илгари сурилганди.

“Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида динимиз равнақи йўлида бекиёс хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олишга, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар ташкил этсак, нима дейсизлар?” деганди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Шунга қўра, Самарқанддаги Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонадаги Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёдаги Абу Муин Насафий марказида ақида илмий мактабини ташкил этиш жуда фойдали бўлиши билдирлиб, бу таклифлар тезда амалга ошди.

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида ташкил этилган халқаро илмий-тадқиқот маркази Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломаларнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаш, уларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказишдек муҳим вазифани амалга оширмоқда.

“Бу ҳақда сўз юритганда, айтиш лозимки, биз улуғ боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳақимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани – бу ҳам ҳақиқат” деб таъкидлаган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида [14].

Хулоса сифатида шуни қайд этмоқ керакки, Шарқ мутафаккирларининг илмий меросининг асосий концепциясидан бири – давлат пайдо бўлишининг табиий назарияси бўлса, иккинчидан, давлатни бошқариш ҳақидаги янгича ёндашувлар бўлса, учинчидан, давлатнинг қонунчилик масалалари, қонунчиликни такомиллаштириш назарияси ҳисобланади. Бугун биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда албатта ана шундай бой маънавий меросимиздан унумли фойдаланишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Таклифлар. Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари илмий меросининг муҳим йўналишлари бўйича халқаро конференциялар ўтказиш долзарбдир;

Иккинчидан, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик йўналишидаги олий ўқув юртларида Шарқ Уйғониш даври ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, сиёсий-ҳуқуқий қарашларини махсус курс сифатида ўқитилишини ташкил этиш лозим; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларига давлат бошлиғимиз, раҳбарларга қўйган талаб ва қоидалар асосида махсус курс ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

Учинчидан, давлат ташкилотлари, давлат хизматчилари ҳақидаги қонунларни, ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқаётганда, Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг қонун моҳияти,

сифати, ижросини таъминлаш борасидаги қонуншунослар ҳуқуқий маданияти тўғрисидаги ғояларни ҳисобга олиш керак,

Шунингдек, ташкил этилган Ислом академиясида ислом маданияти: фикҳ ва калом илми билан шуғулланган Шарқ Уйғониш даврида ижод қилган фақиҳларнинг асарлари, ислом қонуншунослиги эришган ютуқларни дунёвий қонунчиликни такомиллаштиришда, демократик давлат қуришда, ҳуқуқий давлат барпо этишда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, малакали кадрларни ўқитишда, тарбиялашда тутган ўрни ва ролини очиқ беришга қаратилган масалалар тўғрисида тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ деган хулосадамиз.

References:

1. Ma'naviyat yulduzlari. – T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1999. – B.387.
2. Xayrullayev M.M. Uyg'onish davri va Sharq mutafakkiri. – T.: O'zbekiston, 1971. – 310 b.
3. Mets A. Musulmanskij renessans. – M.: Nauka, 1966. – 458 s.
4. Al-Farabi. Slovo o klassifikatsii nauk // Al-Farabi. Filosofskije traktati. – Alma-Ata: Nauka, 1970. – S.68.
5. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. – T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993. – B.45.
6. Abu Nasr Al-Farabi. Politika // Vostochnaya filologiya. Vip.2.–Dushanbe, 1973. – S.102–178.
7. Abu Ali ibn Sina. Rukovodstvo po filosofii. Traktat ob opredeleniyax. Traktat ob etike. Izbr. T.2.– Dushanbe-Ashgabad: Kulturniy tsentr Posolstva IRI v Turkmenistane. 2003. – S.166.
8. Abu Rayhon Beruniy. Tanlangan asarlar. 11-j. – T.: Fan, 1968. – 442 b.
9. Abu Rayhon Beruniy. Tanlangan asarlar. 5-j. – T.: Fan, 1973. – 510 b.
10. Abu Reyxan Biruniy. Izbrannye proizvedeniya. T.1. – T.: Izd. AN UzSSR, 1957. – 487 s.
11. Aliqulov X., Omonboyeva R. Jomiy va Davoniy ta'lim-tarbiya haqida. – Toshkent: O'qituvchi, 1981. – B.41.
12. Djami. Vesennyi sad. – Dushanbe, 1964. – 76 bet.
13. A.Navoiy. Asarlar to'plami. 20 tomlik. Tahrir hay'ati: K. Yashin. – Toshkent: Fan, 1987.
14. www.norma.uz/muhim_voqealar/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi.